ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-646-651

“ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР” КУРСИНИ ДАСТУРИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Илҳомжон Ахмедович Турсуналиев
Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази директори, доцент
E-mail: tursunaliev1971mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада олий таълим муассасалари талаба-ёшларига ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фойдаланган жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш самарадорлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: дастурий таъминот, инновация, жисмоний маданият, жисмоний тарбия, табақалаш.

ABSTRACT

The article presents the necessary information about the effectiveness of improving the methodology for the development of physical fitness of students of higher educational institutions with the help of targeted outdoor games.

Keywords: software, innovation, physical culture, physical education, stratification.

КИРИШ

Сўнги йилларда мамлакатимизда каби, хорижда ҳам олий таълим муассаларида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш масалаларига янада кўпроқ аҳамият қаратилмоқда.

Янги иқтисодий шарт-шароитларни яратиш ва таълимни такомиллаштириш жараёнида тамомила бошқа маданий ҳамда ижтимоий муаммоларнинг пайдо бўлиши билан педагогика соҳасини нафақат чуқур назарий билимларга, балки самарали амалий малакаларга эга педагогик кадрларга бўлган эҳтиёж борлиги намоён бўлмоқда [1].

Педагоглар, жумладан спорт соҳасидаги педагогларни тайёрлашда талабаларнинг жисмоний ривожлантирувчи фаолиятининг амалий кўникмаларини эгаллаб олишлари учун педагогик-психологик шарт-шароитлар яратиб берувчи фаол услубларни ҳал қилувчи таркибга айланмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-646-651

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бугунги кунда фаол услублар орасида ўқув ва ишбилармонлик ўйинлари кўп жиҳатдан марказий ўринни эгаламоқда. Фалсафа, педагогика ва психологияга оид адабиётларда ўйин феноменнинг умуминсоний маданият замиридаги қуйидаги жиҳатлари:

ушбу феноминнинг ижтимоий-маданий соҳадаги мазмун-моҳиятига хос хусусиятлари ўйиннинг пайдо бўлиш назарияси;

ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик муаммоларини таснифлаш, жумладан ҳаракатли ўйинларни таснифлаш масалалари батафсил ўрганилган [4,5].

Жисмоний тарбияга ихтисослаштирилган олий ўқув юртларида ўйин услубини ўзлаштиришда ҳаракатли ўйинлар алоҳида аҳамиятга эга. Уларга, маҳаллий ва хорижий нашрлар таҳлилидан кўринадики, тез ўзгарувчан шароитларда аниқ ҳаракат вазифаларига эришишга йўналтирилган онгли фаолият сифатида қараш лозим.

Бунда ўйинчининг ижодий ташаббускорлиги ва жамоада ўзаро ҳаракат қила олиш нуқтаи назаридан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштира олиш кўникмаси намоён бўлиши сабабли, ҳаракатли ўйинлар курсини спорт педагогларини тайёрлаш тизимидаги энг муҳим фанлардан бири сифатида қараб чиқиш лозим [3].

Бугунги кунда ҳаракатли ўйинлар ҳам мактабгача ва мактаб жисмоний тарбия тизимида мажбурий академик машғулотлар шароитларида, ҳам кўп йиллик машғулот тизимида, айниқса унинг эрта босқичларда турли ёшдаги континент билан ишлашда кенг қулланиб келинмоқда.

Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, олий таълим тажрибасининг гувоҳлигича, жисмоний тарбия ва спорт ишларида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш кўникмасини шакиллантириш, талабаларнинг педагогик маҳорати шакилланишига ижобий таъсир кўрсатади, чунки ушбу фан унинг услубий жиҳатдан энг муҳим таркибий ўйин услубини ўзлаштиришга ёрдам беради [2].

Бироқ “Ҳаракатли ўйинлар”курси имкониятларини шу жиҳатдан амалга ошириш даражаси шу орқали кадрлар тайёрлаш сифати кўп жиҳатдан педагогик жараённинг дастурий-услубий таъминлашига боғлиқ.

Бу учун услубни эгаллаш жараёнида ушбу услубни ўзлаштириш асосида талабалар педагогик маҳоратининг шаклланиши муаммоларига ҳам таалуқлидир [5].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-646-651

Турли-туман ўқув ва услубий материаллар, муайан ишланмалар, айниқса болалар ва ўсмир ёшдаги контингент учун ишланмаларнинг етарли бўлиши, фаннинг самарали ўзлаштиришида катта аҳамият касб этади.

НАТИЖАЛАР

Таҳлилларга кўра, олий таълим муассасалари талаба-ёшларига ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фойдаланган ҳолда жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳларидаги талабаларнинг ҳаракатли ўйинлар бўйича машғулотларга тайёргарлик кўришида ахборотга бой манбалардан фойдаланувчилар сонининг самарадорлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳаракатли ўйинлар бўйича машғулотларга тайёргарлик кўришда талабаларнинг ахборотга бой манбалардан фойдаланиши %

Ахборот манбаси	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Дарс ишланмалари	70,8	29,2
Услубий, ўқув қўлланмалар	54,2	36,5

Таҳлил натижаларига кўра, қўшимча ахборотлардан фойдаланувчиларнинг улуши умумий ҳисобда дастлабки даражага нисбатан, назорат гуруҳида 2,5 баробар, тажриба гуруҳида эса 4,4 баробарга яхшиланди. Алоҳида эътибор қаратиш лозимки, дарс ишланмаларини юритиш кўрсаткичларида катта фарқлар аниқланди.

Тажриба гуруҳида, назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, дарсликка қўшимча манбалар орасида дарс ишланмаларига таянадиган талабалар улушининг ортиши, инновацион дастур бўйича ишлашда бевосита назарий ва амалий машғулотлар давомида олинадиган билимларнинг юқори баҳоланганлигидан далолат беради.

Келажакда ўз касбий фаолиятида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш мумкинлиги оид саволларга тухталсак, бу ерда инновацион дастурдан фойдаланиш устунлиги қайд этилади.

Тажриба гуруҳи талабалари позицияларини қиёслаш шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳи талабалари турли хил контингент билан иш олиб боришга тайёр

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-646-651

эканликларини икки баробар кўпроқ эканлиги қайд этилди. (2-жадвал).

2-жадвал

Талабаларнинг турли хил контингент билан ҳаракатли ўйинларни ўтказишга бўлган узларининг тайёргарликларини мустақил баҳолашлари, балл

Контингент	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналиши талабалари	2,79	2,60
Факультетлараро талабалари	2,80	2,74

Педагогик тажриба якунларига кўра яна шу нарса аниқландики, ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фойдаланиш табақалашган ҳолда бўлиши керак ва бундай табақалаштириш спорт такомилашуви юқорилаб борган сари янада яққолрок бўлиб бориши керак (3-жадвал).

Тажриба гуруҳида, назорат гуруҳига қараганда, ҳаракатли ўйинларни аниқ бир спорт турини эгаллашда педагогик жараён самарадорлигини оширишнинг муҳим услуби деб ҳисоблайди гаплар улуши икки баровар купайди - 29,2% дан 62,6% гача.

3-жадвал

Педагогик тажриби якунлари бўйича талабаларнинг ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишга бўлган ёндашувларининг қиёсий баҳолари %

Машғулотнинг турли босқичларида ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фойдаланишни баҳолаш	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
У барча босқичларда ягона; У ўзига хос хусусиятларга кўра; бошланғич тайёргарлик босқичи, спорт такомиллашуви босқичи, барча босқичлар		

Тажриба гуруҳларида цикл тугаши билан ҳаракатли ўйинларни янгилашга тайёрликлари борасида ҳам ўта муҳим фарқлар аниқланди (4-жадвал). Дастур асосида ишлаган талабаларнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан устунлиги аниқланди.

Ҳаракатли ўйинларни педагогик вазиятга мослаштиришга бўлган субъектив тайёргарлик тажриби гуруҳида 11,2% га яхшиланди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-646-651

Талабалар инновацион дастур асосида ишлаш натижаларида ишга тайёргарликни нафақат яхши, балки тезроқ амалга ошира бошладилар.

4-жадвал

Педагогик тажриби якунлари бўйича талабаларнинг ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишга бўлган ёндашувларининг қиёсий баҳолари%

Талабаларнинг фикр-мулоҳазалари	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Ҳа,бажара оламан Йўқ бажара олмайман Айтишга қийналаман Ҳаддан ташқари кўп, қийналаман		

Талабалардан олинган ахборотнинг мазмунидан шуни кўриш мумкинки: агар назорат гуруҳи контингенти (70,8%) услубий қулланмалар ёки тўпламлар шаклида берилганда, яъни аввалдан тайёрлаб қўйилган ўзига хос “каталог”лар бўйича ҳаракатли ўйинларни танлаб олиш тамойилларига асосланиб ўқитувчи аниқ бир ўйинни ўргатишида, унинг хусусиятларини тушунтириб беришини хоҳласа 16,74%га, тажриба гуруҳи талабалари 58,3%га, қолган ҳолларда назорат гуруҳида 12,5% ташкил этди.

МУҲОКАМА

Таҳлиллардан кўринадики, педагогик тажриба якунлари бўйича талабаларнинг педагогик маҳоратини баҳолаш шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳи назорат гуруҳга нисбатан анча юқори (5-жадвал).

5-жадвал

Тажриба якунлари бўйича талабалар педагогик маҳоратининг умумий баҳоларининг қиёсий кўрсаткичлари

Гуруҳ	Аъло	Яхши	Қониқарли	Кузатувлар сони
Тажриба Назорат				

Мувофиқлик коэффициентини ҳисоблаб чиқаришда педагогик тажриба қатнашчиларининг педагогик маҳорати бўйича экспертлар томонидан баҳоланди. Тажриба натижаларига кўра талабаларнинг педагогик маҳорати 22,3%га яхшиланди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-646-651

ХУЛОСА

Тажриба давомида “Ҳаракатли ўйинлар” курсини дастурий-услубий таъминлаш самарадорлиги кўп жиҳатдан педагогик вазиятни ташкил қилишга бўлган ёндашув билан аниқланади. Бунда педагогик жараёнда ҳаракатли ўйинлардан ўйиннинг соддалаштирилган вазифаларини (ўйин вазифа, ўйин машқ ва ҳ.к. шаклидаги ҳаракатли ўйинларга имитация) ҳал этишга йўналтирилган ёки шахсга хос вазифаларни ҳал этиш – ҳаракатли ўйинни бутунлай педагогик вазиятга мослаштиришга йўналтирилган ўйин услуби сифатида фойдаланишнинг тизимли – ташкилий томони энг муҳим ҳисобланади.

REFERENCES

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони // https://lex.uz/docs/3107036

[2] Былеева Л.В. Подвижные игры. Практический материал: Учебное пособие для студентов вузов и ссузов физической культуры. – М.: Спорт Академ Пресс, 2002. – 279 с. -50 с.

[3] Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры: учебник для ин-тов физ. культ. - М.: ФиС, 2008. - 387 с.

[4] Усмонходжаев Т., Хўжаев Ф. “1001 ўйин”. Тошкент Ибн Сино номидаги нашриёт 1990. 280-286 бет. -259 b.

[5] Usmonxodjayev T., X. Isroilov Sh., Pulatov A., Pulatov Sh. “Milliy va harakatli o’yinlar” Darslik. Toshkent -2015. -300 b.